

ТОШКЕНТ ХАЖЖАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 34 (1554)
16
ФЕВРАЛЬ
СЕШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН.

Ўзбек халқи республикаимизнинг экономинаси ва маданияти гуркираб яшнаётганлиги учун, ўзининг бахтли ва қувноқ ҳаёти учун улуғ Лениндан, у яратган Коммунистик партиядан, унинг мамлакатимиздаги барча халқларни ягона қардошлик оиласига жипслаштирган миллий сиёсатидан миннатдордир.

(КПСС Марказий Комитети, ўртоқ Н. С. Хрушчевга Ўзбекистон Компартияси XV съезди нинг мактубидан).

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР, КАТТА ИСТИҚБОЛЛАР

Ўзбекистон Компартиясининг ақидасига ўз ишчи тамомлаган XV съезди республикаимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Съезд пролетар интернационали ва халқлар дўстлиги шiori остида ўтди, Ўзбекистон партия ташкилотларининг жағоварлиги ва монолит билигини, жипслаштирилиши, коммунистларнинг оммага бошчилик қилишга, омманинг жағовар ташкилотлари бўлишга қодир эканлигини аққол кўрсатди.

Ўзбекистон Компартиясининг XV съезидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси, ўзбек халқининг катта ва энг яқин дўсти Н. С. Хрушчевнинг ишторик эhtiши партиянинг раҳбарлик ва оталарга гамхўрлигини яна бир ёрқин далили бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг съездеда қилган ҳисобот докладыда, делегатларнинг нутқларида, съездининг КПСС Марказий Комитети, Н. С. Хрушчевга юборган мактубида Совет Ўзбекистонининг Коммунистик партияси дона раҳбардиги тўғрисида эришган ажойиб ютуқлари равшан баён этилган, олдимизда турган катта истиқболлар, янги вазифалар кўрсатиб берилган.

Республикаимиз саноати етти йилликнинг биринчи йили ланини ошириб адо этганини, 1959 йилда пахтадан мисли кўрилмаган ююри ҳосил йиғиб олинганлиги, мамлакатта 3 миллион 163 миң тонна пахта сотилганлиги, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида қўлга киритган ютуқларимиз, социалистик маданиятимизнинг барқ уриб ўсганлигини — буларнинг ҳаммаси Коммунистик партияси дона ленинча миллий сиёсатининг натижаси бўлди. Меҳнатсевар ўзбек халқи ана шу ажойиб муваффақиятларни учун, ўзининг бахтли ва қувноқ ҳаёти учун улуғ Коммунистик партиядан, унинг халқларга оид, бахтли ҳаёт, бахш этувчи қардошлик ва дўстлик йўлидан олиб борувчи ленинча миллий сиёсатидан абадий миннатдордир.

СССР халқларининг қардошлик оиласи — мустақкам ва энгилмасдир. Бу юк оилага ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўзининг ақли, ироқи ва шонли фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшади. Қардошлик ва дўстликнинг юксак идеалларига асосланган совет халқларининг қардошлик оиласида катта оғамиз рус халқи ўзининг мислиёс қарамоғини, порлоқ заковати ва саҳий қалби билан барча миллатларнинг чуқур хурмати ва муҳаббатига сазовор бўлмоқда. Ўзбек халқи ўзининг бахтли ва порлоқ келажиги учун ҳаммадан аввал улуг рус халқидан, СССР даги барча қардош халқлардан мангу миннатдордир. Ўзбекистон Компартиясининг XV съезди халқлар дўстлигини байроғи остида ўтди, ана шу дўстликнинг буюк қўд-

ратини намойиш қилиб кўрсатди.

СССР халқларининг қардошлик оиласида дўст ва иноқ бўлиб яшаётган барча халқлар, миллатлар ўзларининг мақсад бирлиги билан, яқин келажак — коммунистик жамят барпо этишга бўлган мустақкам ишончлари билан бирлашган-дирлар. Ҳар бир миллат ва халқ коммунизм қурилиши учун ишга маълум ҳисса қўшиб халқ моддий бойликларини мўл-кўл яратишга, дўстлик, қардошлик оиласига коммунистик фаровонлик келтиришга интилди. Бу буюк ва олижаноб ишда ўзбек халқи ўзига яраша муносиб ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Компартияси XV съезидан КПСС Марказий Комитети ва ўртоқ Н. С. Хрушчевга ёзилган мактубида ўзбек халқининг буюк интернационал бурчи, вазифаси, қасами баён этилган.

Ўзбекистон меҳнаткашлари саноат ишлаб чиқариш бўйича етти йиллик ланини муздайдан бир йил илгари — 1964 йилда бажаришга қарор қилдилар. Пахта етиштириш йиқитилган етти йилликнинг сўнги йилига мўлжалланган даражага муздатида бир йил олдин етиш ва 1964 йилда давлатта 3 миллион 600, 3 миллион 800 миң тонна пахта сотиш, 1965 йилда эса 4 миллион тонна пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Чорвачилик, қишлоқ хўжалигининг бошқа барча тармоқларини юксалтириш юзасидан ҳам жуда катта вазифалар белгиланган. Съезд 1960 йилда мамлакатта 3 миллион 170 миң тонна пахта сотиш, шундан камиди 500 миң тоннасини машина билан териб олишни вазифа қилиб қўйди.

Олдимизда турган вазифалар улкан, истиқболлар — яна ҳам катта ва порлоқдир. Бу янги вазифалар, очилаётган янги истиқболлар катта ижодий иш, фидокорона меҳнат қилишни, омманинг ташаббуси ва гайратини улуғвор вазифаларга сафарбар қилишни талаб этади. Омманинг чинакам, жангсавар ташаббусчилари бўлган партия ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси XV съезди қўйган вазифаларни амалга ошириш учун курашда оммага ташкилотчи, илҳомчи ва етакчи бўлишлари лозим.

Саноат ва қишлоқ хўжалигини конкрет, ишонч қўзини билан малакали раҳбарлик қилиш, кадрлар билан ишлаш, улари жой-жойига қўйиш, партия пропагандаси ишларини қозғиш юксак талаблар даражасига кўтариш, бутун идеология ишларининг коммунистик қурилиш вазифаларига бўйсиндириш — Ўзбекистон компартияси XV съездининг талабдир. Бу талабни бажариш партия ташкилотларининг вазифасидир.

Областимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси XV съездининг кўрсатмаларини амалга ошириш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар этмоқдалар, саноат корхоналаримизнинг ишчилари, ку-

рувчилар, шонли пахтакорларимиз, РТС ишчилари, чорвадорлар, маккажўрхоркорлар, сабзавотчилар, иллагчилар, хуллас ҳамма касб эгалари ўз устларига юксак социалистик мажбуриятлар олар эканлар, бунда уларнинг мақсади битта — мамлакатимизни янада қудратли, ҳаётимизни яна ҳам фаровон қилишдир. Ганишчилар дахтарадан 60—65 центнердан дахта етиштириш, Турсунои Охунова ва унинг издошлари пахтачиларини комплекс механизациялаш, домдор сўт соғувчи Зухра Комилова, сўтчи-Боқар Ким Николой ва бошқа юксак ватанпарварлар коммунистик меҳнат намуналарини кўрсатаётган эканлар, бу билан улар ўзларининг партия, халқ, Ватан олдидаги шарафли бурчларини бажаришлар, умум халқ хазинасига, халқ бойлигига мўл-кўл қилишга муносиб улиш қўшадилар.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илгорларининг яқиндагина ўз ишчи тамомлаган Курултойида домдор механизаторлар Турсунои Охунова, Валентин Топко, Меликўн Умурақов, домдор пахтакор Ганишев Юнусов, сўт соғувчи Зухра Комилова, қишлоқ хўжалигининг бошқа илгорлари сўзга чиқиб, ўз таъбирларини сўзлаб бердилар, исласи йилги режаларини белгиладилар, қандай қилиб етти йиллик ланини муздайдан олдин бажариш мумкинлигини, бунинг учун қандай резервлар борлигини айтиб бердилар. Бу Курултой — чинакам таъриб алмиши мактаби, илгор усулларини пропаганда қилиш, кенг оммалаштириш мактаби бўлди. Курултой қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси XV съезди белгилаб берган улугвор вазифаларни бажариш учун кураш — шiori остида ўтди.

Республикаимиз, областимиз меҳнаткашлари зўр сиёсий ва меҳнат кўтарилишлиги билан Ўзбекистон Компартияси XV съезди қарорларини амалга оширишга киришдилар.

«Республикаимиз барча коммунистик номидан», — дейилди Ўзбекистон Компартиясининг XV съезидан КПСС Марказий Комитети, ўртоқ Н. С. Хрушчевга юборилган мактубида — Марказий Комитетини ва шахсан Сиз қардор Никита Сергеевични ишонтириб айтиш, Ўзбекистон партия ташкилотини ўз сафарини ленинчи Марказий Комитет агрофига янада энгил жипслаштирилади ва улуг марксизм-ленинизм байроғига, социалистик интернационализм байроғига буналар бунинг ҳам содиқ бўлиб қолади. Биз мамлакатимиз халқларининг дўстлигини бундан буюн ҳам кўз қорачиқдек сақлаймиз, бутун куч-гайратимизни, қўбалишимизни, билимимизни ва таърибимизни КПСС XXI съезди тарихий қарорларини муваффақият билан бажаришга, етти йиллик тошшириқларини муздайдан илгари бажаришга, мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат улуг ишга сарфлаймиз».

Совет-Ҳиндистон дўстлиги пўлатдек мустақкам бўлсин

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ДЕХЛИДА БУЛИШИ

ДЕХЛИ, 13 февраль. (ТАСС). Бугун Н. С. Хрушчев А. А. Громико, Н. А. Михайлов, Г. А. Жуков ва бошқалар билан бирга рус расмоси Святослав Рерихнинг яқинда Деҳлида очилган выставкасини бориб кўрди. Виставка яшиги олдиди Н. С. Хрушчевни ва унинг ҳамроҳларини Святослав Рерих ва Ҳиндистон малайини министри Х. Кабир кутиб олдилар.

Н. С. Хрушчев расмосининг Ҳиндистон табиотини ва унинг халқини чиройлик бўёқларда акс эттирган ва выставкага қўйилган суратларини томоша қилди.

Н. С. Хрушчев выставкани кўриб бўлгандан кейин С. Рерихга яна ижодий муваффақиятлар тилади ва расмос асарларининг выставкаси Совет Иттифоқида ҳам ташкил этилади, деб умид билдириди.

Н. С. ХРУШЧЕВ ДЕХЛИДАН БХИЛАИГА ЖУНАБ КЕТДИ

ДЕХЛИ, 14 февраль. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари бугун Деҳлидан Бхилаига жўнаб кетдилар.

Ҳиндистон вице-президенти С. Рахакришна, бош министр Ж. Неру, марказий ҳукумат министрлари, парламент аъзолари, дипломатик корпус бошлиқлари, Ҳиндистон жамоатчилигининг вакиллари, Ҳиндистондаги СССР «тиҳовасининг» Деҳлидаги бошқа совет муассасаларининг масъул ходимлари ҳурмати совет меҳмонини кузатиб қўймоқ учун аэродромга келишди.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва Ҳиндистон президенти Р. Прасад тушган оқиқ авто-машина аэродромга етиб келди.

Совет ва Ҳиндистон байроқлари билан безатилган аэродромда Ҳиндистон қўшинларининг уч учи — армия, флот ва авиация вакиллари иборат фахрий қоруву Совет ҳукумати бошлиғи шарафига саф тортиб турди.

Хрушчев ўзини кузатиш учун келган кишилар билан самийий хайрашадиди. СССР ва Ҳиндистон Республикаси давлат гимнлари янгради. Н. С. Хрушчев саф тортиб турган фахрий қоруву олдин марш садолари остида ўтиб, самолёт олдида борди.

Н. С. Хрушчев Ҳиндистон президенти, вице-президенти, бош министр ва бошқалар билан хайрашар экан, Ҳиндистон пойтахтида ўзининг самийий кутуб олинганлиги учун ташаккур айтди.

Н. С. ХРУШЧЕВ БХИЛАИГА КЕЛДИ

БХИЛАИ, 14 февраль. ТАСС махсус мухбирлари В. Кондрашов ва Ю. Трушин бадиридилар:

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари бугун эрталаб Бхилаига бора туриб, Райпурга кетдилар. Махдья Прадеш штатининг бош маъмури Науна, Бхилаи металлургия заводининг бош директори Н. Шривастава, завод бош инженери Н. В. Голдин, завод маъмуриятининг ва штат маъмуриятининг вакиллари Райпур аэродромда Хрушчевни кутиб олдилар.

Н. С. Хрушчевнинг келиши шарафига Райпурда арқар қурилади. Арқарга «Хуш келибсиз!» деган таъриб сўзлари келибди. Райпур аҳолисиндан минглаб кишилар Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Бхилаига бораётган йўлда саф тортиб турдилар. Ҳамма жойда «Хрушчев зиндабод!», «Наместе!» деган хитоблар янграб турди.

Машиналар шаҳар кўчаларидан ариниб ўтиб бормоқда. Ҳамма қўзини бирдан балиқ кўтариб: «Хрушчев зиндабод! Хрушчев зиндабод!» деб қичқирмоқда. Рус тилида «Япанг!», «Япанг!» деган хитоблар эшитилмоқда.

Арқарга Н. С. Хрушчев ва Ж. Неру портретлари қўйилган.

Райпурдан Бхилаига борадиган бутун йўл бўйлаб атраф қишлоқларнинг аҳолиси Н. С. Хрушчевни қизгин табриклар турди.

Бхилаи заводи территориясида олиб борадиган йўлда минглаб кишилар — завод ишчилари, совет ва Ҳинд мутахассислари Н. С. Хрушчевни кутиб олдилар. Хурмат арқига: «Хуш келибсиз, ўртоқ Хрушчев!» деган сўзлар эълан.

Н. С. Хрушчев Суратгархда

ДЕХЛИ, 13 февраль. ТАСС махсус мухбирларидан В. Кондрашов ва Ю. Трушин хабар беришди: Бугун СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев СССР Ташқи Ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Ташқи Иттифоқ алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР Олий Советининг депутати Т. У. Улжабоев, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов, шунингдек Ҳиндистон оқиқ-оқиқ ва қишлоқ хўжалик министри С. К. Натил, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К.П.Ш. Менон ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳида Суратгархда (Ражастан штати) механизациялаштирилган давлат қишлоқ хўжалик фермасига келиб, уни кўздан кечирди.

Ҳиндистонда жуда йирик ҳисобланган бир ферма Совет Иттифоқи ҳукумати томонидан Ҳиндистон ҳукуматига совга қилинган қишлоқ хўжалик техникаси ва асбоб-ускуналар базисиди ташки қилинган.

Хурматли совет меҳмонини табриклармоқ учун аэродромда Суратгарх ва унинг атрафдаги қишлоқлардан келган мингларча деҳқонлар тўпландилар. Аэродром Совет ва Ҳиндистон давлат байроқлари билан ва гулчамбарлар билан байрамдигдек безатилган эди. Н. С. Хрушчев шарафига барпо этилган арқар рух ва хид тиллариди: «Хуш келибсиз!» деган таъриб сўзлари ёниб қўйилган. Кутиб олувчиларнинг қўлағиди гуллар, Н. С. Хрушчевни табрикловчи, Ҳиндистон-Совет дўстлигини янада мустақкамлашга ҳақиқатини широрлар бор эди.

Н. С. Хрушчев самолётдан чиққан пайтда бу ерда тўпланганлар уни гулдурас қарсақлар. «Яшасин Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик», «Яшасин Хрушчев!» деган хитоблар билан кутиб оладилар. Ражастан штатининг бош министри Мохаллад Сухадия, давлат фермасининг директори Махадео Сингх, Ражастан штати ҳукуматининг вакиллари ва ферма маъмурияти Совет ҳукумати бошлиғини қизгин табриклайдилар.

Ферман кўздан кечириб олдин Махадео Сингх ферман ташкил қилиш учун ривожлантириш тарихи билан, кейинги йилларда ферма колдетики қўлга киритган муваффақиятлар билан Н. С. Хрушчевни қизқариштириб ўтди. Махадео Сингх қозғири вақтда ферма даладариди Совет Иттифоқи томонидан совга қилинган 70 трактор, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб турганлигини айтди. Бу машиналар, деб уқтириб айтди Махадео Сингх, жуда яхши машиналардир. Ишчиларимиз ана шу машиналарда бажонидил ишламоқдалар. Махадео Сингх совет мутахассисларининг ферман ташкил қилиш соҳасидаги ишларига юксак баҳо берди. Совет мутахассислари жуда кўп ва жуда яхши ишлаб, бизлар учун чин биродарлар бўлдилар, деди у.

Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари оқиқ машинага тушиб, ферман кўздан кечира бошлайдилар. Машина давлат фермасининг кенг далалари бўйлаб ўтиб, горчица экинлари, шакар қамин, пахта, доп ва бошқа экинлар плантациялари олдида тўхтади. Никита Сергеевич баъзи экинларнинг ҳосилдорлиги ва уларнинг даромади билан, шу экинларни парвариш қилиш ва йиғиб олиш методлари билан қизиқди.

Пахтазорда И. С. Хрушчев, Махадео Сингх ва Т. У. Улжабоев ўртасида қизгин сўхбат бошланди. Н. С. Хрушчев совет пахтакорлари, шу жумладан Тожикистон пахтакорлари қўлга киритган катта муваффақиятлар ҳақида Махадео Сингхга сўзлаб берди. Мен, деди Никита Сергеевич, Тожикистон пахтазорларида бутун бир мавсум давомида ишлаб келишлари учун бир неча кишини анд шу республикага юборишни масъала деб берам эдим. Ўз навбатида Тожикистон пахтакорлари ҳам сизнинг штатингизда келиб, бу ерда ишласалар бўлар эди. Бу нарса таъриблар алмиши соҳасида яхши иш бўлар эди.

Н. С. Хрушчев ферман кўздан кечириб бўлагандан кейин мезавор бер бошқа экинлар дарактини ўтқазди. Махсус қурилган сулага рус ва хинд тилларида қўйилган сўзлар ёниб қўйилди:

«Суратгархдаги механизациялаштирилган марказий ферма. 1960 йил 13 февральда Н. С. Хрушчев жаноб олийлари ана шу фермада бўлганда шу йил биринчи қўлғи ўтқазилди.»

Кўчат ўтқазин вақтида Махадео Сингх 1955 йилда Мобайла Н. С. Хрушчев ўтқазган ларахт мезавор бера бошлаганини Совет ҳукумати бошлиғига айтди.

Ферма кўздан кечириб бўлингандан кейин Ҳиндистон оқиқ-оқиқ ва қишлоқ хўжалик министри С. К. Натил Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари шарафига зиефат берди. Зиефат вақтида ферма ходимлари меҳмонлар олдида Ражастоннинг қадимги халқ рақси-Бангани кўрсатдилар.

Ҳиндистон металлургия шаҳрида

БХИЛАИ, 14 февраль. ТАСС махсус мухбирлари Ю. Трушин ва В. Кондрашов хабар беришди:

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев, шунингдек унинг ҳамроҳлари — СССР Ташқи Ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Советининг чет мамлакатлар билан малайи алоқалар давлат комитети раиси Г. А. Жуков, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов ва бошқалар куннинг иккинчи ярмида Бхилаи металлургия заводини кўздан кечирдилар.

Резиденциядан тортиб заводга олиб борадиган бутун йўл бўйида металлургия шаҳри — Бхилаи-гар аҳолисиндан кўп минглаб кишилар — совет ва хинд мутахассислари, уларнинг олда аъзолари Н. С. Хрушчевни қизгин табриклар турдилар.

Н. С. Хрушчев заводга кириб келган пайтда унинг территориясида завод гудоқлари, жуда кўп паровозлар ва тепловозларнинг гудоқлари гузуллаб кетди.

Домна цехи. Н. С. Хрушчев бош директор Н. Шривастава ва завод бош инженери Н. В. Голдин билан бирга металл қўйиш қўрсатиқ борди. Минглаб ишчилар, совет ва хинд мутахассислари ҳурматли меҳмонини гулдурас қарсақлар билан кутиб олдилар. Н. С. Хрушчев цех ишчилари, инженерлари билан самийий сўхбатлашди.

Ўртоқ Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари пўлат қўйиб турган мартен цехига боришди. Шу пайтда цех-

БХИЛАИ КҮП МИНГ КИШИЛИК МИТИНГ

БХИЛАИ, 15 февраль. (ТАСС). Бугун Бхилаида кўп миң кишилик митинг бўлди. Бу митингда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев катта нутқ сўзлади.

Ҳўн ва пўлат ишлаб чиқарувчиларнинг янги шаҳри бўлган Бхилаи-гарнинг марказида ўз еменисини тамомлаган завод ишчилари, инженерлари, хизматчиларининг ҳаммаси, уларнинг олда аъзолари, шаҳар аҳолиси тўпланди. Тўпланган ўн минглаб халқ Н. С. Хрушчевни гулдурас овақига билан кутиб олди.

Ҳинд ишчилари гулдурас қарсақлар остида Н. С. Хрушчевнинг бўйига гул шоалари тақдилар.

Митингнинг саноат давлат министри М. Шах омади. У завод коллективни номидан, Ҳиндистон халқи ва ҳукумати номидан Н. С. Хрушчевни табриклайди. Бу кун, — деди у, — Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида ўсиб бораётган дўстликнинг симболи бўлган Бхилаи заводи учун улуғ кундир. Совет халқи сингари хинд халқи ҳам бутун дунёда тинчлик бўлишини қатъий талаб қилмоқда. Ҳиндистон халқи ва ҳукумати номидан Сизга ваъда бериш шун айтмакчим, тинчликни мустақкамлаш ишда биз ҳаммаша синлар билан бирга бўламиз.

Завод бош директори Н. Шривастава мартен цехи ишта тушган биринчи кунда Бхилаи заводиди ишлаб чиқарилган пўлатнинг бир парчасини Н. С. Хрушчевга совга қилиб топширди. Н. С. Хрушчев бу совгани қабул қилиб олар экан, директор Шриваставага ва бутун завод коллективига қизгин ташаккур айтди. Ҳиндистон-Совет дўстлиги ҳам, — деди у, — мана шу пўлатдек мустақкам бўлсин.

Сўнгра Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

Совет ҳукумати бошлиғи ўз нутқини тамомлагач тўпланган халқ унга гулдурас овақига асади. Хрушчев зиндабод! (Хрушчев яшасин!), Хинди-рус бхай-бхай! деган хитоблар янгради.

Митингдан сўн Н. С. Хрушчев завод инженер-техник ва маъмурий ходимлари билан учрашиб, дўстона сўхбатлашди.

Н. С. ХРУШЧЕВ ШАРАФИГА ЗИЕФАТ

БХИЛАИ, 15 февраль. (ТАСС махсус мухбири). Ҳиндистон саноат министри Манубхай Шах ва Н. С. Хрушчев шарафига зиефат берди.

Зиефатда Н. С. Хрушчевнинг ҳамроҳлари, заводнинг бош директори Шривастава, бош инженер Голдин, завод маъмуриятининг вакиллари, совет мутахассислари ҳозир бўлдилар.

Зиефатда министр Манубхай Шах ва Н. С. Хрушчев нутқ сўзладилар.

САБЗАВОТЧИЛИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ЮЗАСИДАН БУТУН-ИТТИФОҚ КЕНГАШИ

Сабзавотчиликни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш учун янги машиналар ясаб чиқариш юзасидан тақрирлар Бутуниттифоқ кенгаши 13 февральда Москвада ўзини тамомлади. Кенгаш ишида СССР Госпланининг, СССР Министрлар Совети автоматлаштириш ва машинасаноат давлат комитетининг, Москва область Халқ хўжалиги кенгашининг ходимлари, олимлар, конструктор инженерлар, қишлоқ хўжалик илгорлари қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари яқин 15 йил ичиди сабзавотчилик учун қишлоқ хўжалик машиналари ясаб чиқариш ривожлантиришининг асосий йўналишларини белгилаб бердилар.

Сабазавотчиликдаги ишларни максимал даражада механизациялаштиришни таъминлайдиган комплекс яратиб, участкаларда уруғларни белгилаган микдорда экинни амалга ошириш имкониятини берадиган, экинларни бир текис ундириб олишга имкон берадиган асбоб-ускуналар ва мосламаларни конструкция қилиш мўлжаллаб қўйилди.

Кенгаш қатнашчилари қишлоқ хўжалик машинасозлигида полимерлардан, парник ва теплицаларнинг ойналари ўрнида синтетик планчалардан фойдаланиш, пластмассаардан стандарт қоп-қанорлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бердилар. (ТАСС).

СОВЕТ ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ КҮРОЛСИЗЛИНИ УЧУН КУРАШГА БАҲИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

15 февральда Москвада совет жамоатчилигининг кўросизлигини учун курашга бағишланган конференцияси очилди. Конференцияга Совет мамлакатининг барча иттифоқчи ва автоном республикаларидан, ўлка ва областларидан вакиллар келди. Улар ёшасига ва батамом кўросизлигини, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни ёқлаб овоз бериш учун бу ерга кетдилар.

Конференцияни тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси ёзувчи Н. С. Тихонов очди. КПСС Марказий Комитетининг Президиуми гулдурас қарсақлар билан фахрий президиумга сайланди.

Н. С. Тихонов «Совет халқининг ёшасига ва батамом кўросизлигини учун олиб бораётган кураш» ҳақида доклад қилди. (ТАСС).

Механизаторларга мукофотлар топширилди

Беча Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида тантанали вазиетда Ўзбекистон механизаторларининг катта гуруҳисига ҳукумат мукофотлари топширилди. Улар пахтани машинада теришда

Н. С. Хрушчев ва К. Е. Ворошилов ўртоқларга Мао Це-дун, Лю Шао-ци, Чжу Дэ ва Чжоу Энь-лай ўртоқлардан табринома

Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Раиси Мао Це-дун,

УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР



Пойтахтимиздаги «Уахудо жирмосоз» артели конструктор-технология бюросининг бадийи тикши устаси Луиза Харитонова В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига атаб доҳининг портретини ишк билан тикди. Суратда: Л. Харитонова ўзи яратган портретнинг сўнгги ишларини тугалламоқда.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

Мен Ленинни кўришга ва у билан гаплашишга муассар бўлган сийёсӣ арбоблардан бирман. Францияда бундай бахтга жуда кам одам муассар бўлган. Бу воқеа 1920 йилда бўлган эди; ҳозир Совет Иттифоқига бирлашган халқлар ўша вақтда ҳал қилувчи ғалабага эришган эдилар. Ўша вақтда Ленин 50 ёшда эди. ... Лениндан илгари ҳеч ким инсониятни тарихий тараққиётнинг бу қадар муҳим босқичдан олиб ўтмаган эди. Ҳозир Лениннинг душмандарининг лагеридагилар ҳам бу буюк давлат арбоби энг атоқли бир шахс эканлигини тан олмақдалар. Тарих фанининг кўзга кўринган намоёндалари Ленин 1917 йилдан — чорлик агаридан қайтган бошбаш раҳбарлик қилган воқеаларнинг гоят катта тарихий аҳамиятини кўрсатиб ўтмоқдалар.

Маълумки, Ленин сайн-гайрат бобида тенти йўқ кишигина бўлмай, балки ҳар тарафлама катта билимли киши ҳам эди. Шунинг эслатиб ўтиш керакки, Ленин XVIII аср француз энциклопедистларининг инсоният тараққиётида катта роль ўйнаганлигини тан олган эди. У 1789—1794 йиллардаги француз революциясининг намоёндалари ва идеяларидан бениҳоя завқланган эди. У 1793 йил монтаньярлари ва якобинчиларнинг қизғин тарафдори эди.

Ленин Париж Коммунасини инсоният тарихини олга сурувчи воқеалардан бири деб биларди. У ўзининг ўтмас сўзлари билан Париж ишчиларининг 1871 йилги ҳақрамонлигини кўзларига кўтарган эди...

Ленин Францияни яхши биларди. У узоқ муддат эмиграцияда юрган вақтда бир неча йил Францияда яшди. У Парижнинг Марс—Роз кўчасидан 4-уйда икки хонали оқиллик билан бир квартирада турарди. Мен ўша вақтларда бир қанча большевик-эмигрантлар билардим — улар ҳам, худди Ленин каби, — Парижнинг иш тўғрисида округда жуда ноҳор турмуш кечирардилар.

Мен Ленин билан II Интернационалнинг 1907 йилги Штутгарт конгрессида учрашганман. У резолюцияларга киритилган бир қанча тўзатишларнинг автор эди, бу резолюциялар империалистик урушга қарши яшил кураш олиб боришни эфидолашчи ажойиб резолюциялар эди.

Мен шундан бир неча йил кейин, 1920 йил ёзда, Москвага борган чоғимда уни яқиндан кўрган эдим. Мен Страсбургтаги социалистлар съездининг яқинлик билан чиқарган қарорига мувофиқ Москвага делегат бўлиб борган эдим.

Биз Россияга борган, большевиклик партия раҳбарлари билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турдик. Биз Москвага француз социалистик партиясининг III Интернационалга кириши мумкин эканлигини эмаслигини ҳақиқатан мурожаат қилган эдик.

19 июнда Коммунистик Интернационалнинг Ленин бошчилигидаги раҳбарлари фикр олишув учун биз билан бир жойга тўпланидилар. Ленин сўз олди. У соф француз тилида гапирди.

У аввало социалистик партияга ва унинг икки вақилига III Коммунистик Интернационалга мурожаат қилганлари учун ташаккур билдирди. У бизнинг бу келишимига жуда катта аҳамият берди. У «бизни кутганлигини», чуқки мамлакатимиз

МАРСЕЛЬ КАШЕН

пролетариатнинг ажойиб революцион жасоратига гоят катта баҳо беришни кутиб туриб гапирди.

У: дарҳол революция қилиш мақсади Францияда кўндаланг бўлиб тургани йўқ. Бизнинг суҳбатимизнинг мавзуси ҳам бу эмас. Энг муҳим масала — фурсатни қўлдан бериб, империалистик режимга қарши амалий кураш олиб бориш учун шарт-шароит яратишдир, — деб кўрсатиб ўтди.

Француз партиясига, деди Ленин, ишчилар синфини тарбиялайдиган ва уни озоқликка олиб борадиган газета керак. Марксистик оқимдаги газета керак. Пролетар партиясига келганда, бу партия ичда ҳамма учун ва биринчи гада партиядаги масъуд ваифаларни эгаллаш шарафига муассар бўлган кишилар учун қатъий интизом бўлиши зарур. Жипслашган, марксистик руҳда тарбияланган, интимики синфий партия яратиш керак.

Ҳозирги замон урушлари оқибатидан синфий курашнинг кескинлаштиридан ва революцияни тезлаштиридан жиддий ларазалар юзага келмоқда. Революция бошланганими ёки кечроқ бошланганими деган саволни бериб ўтиришнинг ўзи беҳуда нарс.

Ленин бизнинг, бизда одамлар етишмайди, деган фикримизга тўхталиб ўтди. Бизда ҳам одамлар етишмайди, деди у, лекин биз олга томон бормоқдамиз, натижага одамлар ҳам топилмоқда. Пролетарият кучи битмас-туғамас куч эканлигига жуда қатъий ишонинг муҳимдир. Сиз, французлар, шунинг тўғрисида олишнингиз керакки, биз ўз курашимизда сизлар ўтмишда қилган революциялардан илҳом олиб туришимиз. Сизда ҳам капитализм ўз ўзини социализмга бўшатиб бериши, чуқки социализм капитализмнинг ич-ичига ялдиш отиб кетган. Сизлар ўз империализмингиз азули остида қолган халқлар орасида пропаганда олиб боришнингиз керак, чуқки ҳар бир жойдаги одамлар ўз тақдирларига ўзлари хўжайин бўлишлари керак.

Сизлар: «бу иш оғир бўлади», — дейсиз. Бизга ҳам оғир бўлган эди, ammo биз курашдик ва ғалаба қилдик!

Бу чуқур мазмуни ва самимий суҳбат беш соат давом этди.

Францияга қайтиш олдиндан биз Ленин билан хайрлашганимиз ва ўз таассуротларимизни унга айтиб беришни ниҳоятдан ундан, бир учрашсак, деб кутганимиз қилдик. Ленин билан 28

июнда учрашдик ва суҳбатимиз бир ярим соат давом этди. У бизни ўзининг Кремлдаги унча катта бўлмаган, оддийгина жойдангина, батариб кабинетиде қабул қилди.

У биздан, гарчи ўшанда яхши билса-да, Франциядаги аҳволнинг қандайлигини батафсил сурштирди. Ленин мамлакатимизнинг ўтмиши олдида ҳамда Франция пролетариатини олдида бош егшини яна бир қарра айтиб ўтди.

Биз Ленин билан суҳбатлашган давларда Қизил Армия Украинага босиб кирган оқ полклар шайқасини мажмаақлаб тугатай деб турган эди. Француз ва инглиз империалистлари Польша учун яхши бир дивизия шайлаб қўйган эдилар, бу дивизияга француз генерали Вейган қўмондонлик қиларди. Дивизия емириш қуввати зўр бўлган энг янги куроллар билан таъминланган эди. Бироқ Дюнкерк докерлари бу дивизия учун тўп ва пулемётлар ортиндан бош тортидилар. Ленин биздан ана шу ишлари учун Франция меҳнаткашларига қизгин ташаккур айтишни илтимос қилди.

Ленин биздан Россияда анчагина туриб қандай таассурот олганимизни сўради. Биз, бу сафаримиз асло ёлмирдан чиқмайди, деб жавоб бердик. Биз унга, уруш тўғрисида юзага келган масъула вафторлик ва қашшоқликка қарамай, бутун мамлакатда габр-ташаббус, келажакка бўлган ишонч ва мардик ҳукм сурати-галлигини кўрганимизни, булар эса ғалабанинг ҳақиқий гарови эканлигини айтидик.

Ленин бизнинг жавобимиздан жуда мамнун бўлди. У бизга, Франция тез орада катта Коммунистик партия бўлиб қалириши, деган истакин билдирди ва бу партиянинг муваффақиятларини зўр диққат билан кузатиб бораганини айтиди.

Ватанимизга қайтиб келгач, биз дарҳол француз ишчиларига ўз сафаримиз ҳақида ҳисобот беришга қарор қилдик. Партия секретариати Париж ширкида — шаҳарнинг ўша вақтдаги энг катта биносиде йиғилиш уюштирди. Қизил биносига 40 миндан кўп меҳнаткаш тўпланди. Биз минбарга чиқиб олганимиз анча қизиқандик, шунинг айтиш керакки, Париж шу чоққа бу қадар қизғин ва таъсирчан, бу қадар ҳажжонли салқ намойишини кўрмаган эдик. Париж халқи совет революциясини билан қардошларча бирлаш эканлигини бир неча соат давомиде тинмай янҳор қилиб турди — Ленин билан суҳбатимиздан кейин биз француз халқига совет революциясини ниҳоятдан ундан, бир учрашсак, деб кутганимиз қилдик. Ленин билан 28

Кекса большевиклар меҳнаткашлар олдида нутқ сўзламоқдалар

Ульяновси, 13 февраль. (ТАСС). Уч революция ва граждандар урушининг қатнашчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига тайёргарлик кўрилайотган шу кунларда актив иш олиб бормоқдалар. Латвиялик собоқ подполковник, Болтиқ бўйида биринчи рус революциясининг қатнашчиси Э. П. Детлов, 1917 йилдан буён КПСС аъзоси, Кронштадт ёсинини бостиринида қатнашган Н. М. Астахов Ульяновскдаги қорхона ва қури-

лишлари, муассасаларда ва ўқув йўллариде сўзга чиқиб, улуг йўл-бошчилиги ҳақида ва фаолияти тўғрисида, В. И. Ленин билан бўлган унутилмас учрашувлар ҳақида сўзлаб бормоқдалар. А. М. Урльцев, М. Е. Устинов, А. Ф. Якушников ва кўпгина бошқа кишилар ўрта Полюжда Улуг Октябрь социалистик революциясини ва граждандар уруши ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Улуғ кун олдида

